

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Яқинда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

Қарорда байрамимизни муносиб кутиб олиш учун ҳамда “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!” деган эзгу гоёни ўзида мужассам этган кенг кўламли тайёргарлик ишлари, устувор вазифалар белгилаб берилди. Ўтган давр ичида юртимизда олиб борилган бунёдкорлик ишлари туфайли тиббиёт тизимида ҳам замон талабларига мос тарзда хизмат кўрсатадиган шифо масканлари қад ростлади, илғор технологиялар билан жиҳозланди. Бугун нафақат юртимиз, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам соғлиқни сақлаш тизимимиздаги оламшумул ўзгаришларни, янгиликлар, замон билан ҳамқадам малакали мутахассисларимиз меҳнатини юксак баҳоламоқда. Бу албатта, мустақилликнинг бизга берган олий неъматидир.

Бугун республикаимизнинг қайсики бир гўшасига борманг, у ерда олиб борилаётган тиббиёт соҳасидаги жараёнларни кўриб, ҳайратингиз ошади. Оддийгина қишлоқ врачлик пунктдан тортиб, юртимизнинг етакчи ихтисослаштирилган марказларигача бўлган ислохотларни бир сўз билан таърифлаб бўлмайди. Шифо масканларидаги шарт-шароитлар, халқимиз саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишлар қиёсини бирор-бир нарса билан таққослаб бўлмайди. Энг қувончлиси, юртдошларимиз қалбида бугун тинч ва осойишта кунларимизга шукроналик, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, яна бир жиҳати, ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслигини ҳам юракдан ҳис этиб яшамоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, мустақилликнинг бизга берган кенг имкониятларидан бугун халқимиз, катта-ю кичик ёшу қари бирдек мамнун бўлмоқда. Юртбошимизнинг бу йўлдаги одилонга сиёсати туфайли бугун ҳар бир юртдошимиз ана шундай дорилмон кунларга етганимизга шукроналар айтиб, эзгу мақсадлар йўлида ҳамфикр, ҳамжиҳатликда тотув яшамоқда, десак муболаға бўлмайди.

Матбуот анжумани

ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ — МИЛЛАТИМИЗ БОЙЛИГИ

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Ўзбекистон тиббиётининг педиатрия тизими, ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар” мавзусидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизими ислох қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида мамлакатимизда – бирламчи тиббий санитария ёрдамни кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ва мукамал ташкилий тузилмаси яратилганлиги, шунингдек, аҳоли-

га кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгра Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Дилором Аҳмедова ўтган йиллар мобайнида “Соғлом она – соғлом бола” гоёсини ўзида мужассам этган дастурлар асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг ҳаётга жорий этилиши натижасида скрининг ва перинатал каби янги тиббиёт марказлари ва вилоятлар филиаллари миллий тиббиётимиздан мустақам ўрин эгаллаганлиги, бундан ташқари, айна пайтда юртимизда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда педиатрия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг жойлардаги



филиаллари ҳамда ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт муассасалари самарали фаолият кўрсатаётганлигини алоҳида тилга олди.

Шу ўринда таъкидлаш муҳими, юртимизда 5760 нафар педиатр, 1420 нафар неонатолог, 811 нафар болалар хирурга, 263 нафар болалар офтальмологи,

662 нафар болалар невропатологи, 800 нафарга яқин болалар стоматолога каби кўплаб (Давоми 2-бетда).

Матбуот анжумани

ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ — МИЛЛАТИМИЗ БОЙЛИГИ



нинг ўринбосари Дилором Турсунова.

– Юртимизда болаларга кардиология хизматини кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этиб, кардиохирургия йўналишида юрагида туғма нуқсони бор болаларда мураккаб операция жараёнлари олиб борилмоқда. Шунингдек, кардиология соҳасидаги ноёб операция жараёнлари вилоятлар кесимида олиб борилаётганлиги ҳам бундан мустасно эмас. Бир сўз билан айтганда, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказимиздаги бола-



мутахассислар фарзандларимиз соғлом ва баркамол ўсишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Анжуман давомида соҳа мутахассислари томонидан аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг энг муҳим устувор вазифаси бўлиб келаётганлиги, бу борада скрининг марказлари, вилоят кўп тармоқли болалар шифохоналари, шунингдек, ихтисослаштирилган педиатрия тиббиёт муассасалари замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги ҳам алоҳида тилга олинди. Шунингдек, 2014 йилда 6 миллион 500 минг нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу эса касалликларни барвақт аниқлаш ва уларни самарали даволаш имконини бермоқда. Мазкур амалий ишлар натижасида сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайди. Бундан ташқари, юртимизнинг барча ҳудудларида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аввалги касалхоналардан фарқи шундаки, бундай марказларда ирсий хасталиклар билан туғилиш, ногиронлик ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болаларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

– Шунингдек, 2014 йилда 6 миллион 500 минг нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу эса касалликларни барвақт аниқлаш ва уларни самарали даволаш имконини бермоқда. Мазкур амалий ишлар натижасида сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва



лар кардиохирургияси бўлимида барча шароит ва имкониятлар яратилган. Шунингдек, энг сўнгги русумдаги технологиялар ҳамда тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги ва малакали кадрларнинг салоҳияти болажонларни соғлом ҳаётга қайтаришида муҳим ўрин тутмоқда. Марказимизга ташриф буюраётган кўплаб хорижий ҳамкорлар фаолиятларимиз билан танишгач, болаларда бундай ноёб операциялар муваффақиятли амалга ошаётганлигини эътироф этиб, Ўзбекистон тиббиётининг жаҳон ҳамжамиятида алоҳида ўрни борлигини таъкидламоқдалар, – дейди академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази кардиохирурги, профессор Ҳакимжон Абролов.

Шу йилнинг 1 августида Президентимизнинг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғриси-

да”ги Қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ана шу ҳужжат асосида мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасаларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш бўйича 5 йилга мўлжалланган қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказимизда болаларни даволаш учун барча шароит ва имкониятларнинг мавжудлиги, бу юртимиз тиббиётининг жаҳонга юз тутганлигидан далолат бериб турибди. Янгича қиёфа кашф этган марказимиз таркибига кирувчи маслаҳатлашув-диагностика поликлиникасида чуқур тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида,

шунингдек, неонатология, кичик ёшдаги болалар патологияси, болалар неврологияси, пульмонология, кардиоревматология, гастроэнтерология, гепатология, аллергология ва иммунопрофилактика, туғма ва ортирланган ЛОР касалликлари, болалар хирургияси каби бўлимларда сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Яна бир янгиликни эътироф билан айтиб ўтмоқчиманки, 2014 йилдан бошлаб, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази мизда заиф эшитувчи болаларда кохлеар имплантация операцияси йўлга қўйилди. Бундай хасталикларни даволаш бугунги кунда санокчи давлатлардагина амалга оширилади, – дейди Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Абдуманнон Абдуқаюмов.

Матбуот анжумани иштирокчиларига мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган амалий фаолиятларга бағишланган видеолар тақдим этилди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари соҳа мутахассисларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиб, тизимдаги барча янгиликлардан хабардор бўлишди.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.

Семинар

МУҲИМ МАСАЛАЛАР ДОИРАСИДА

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилиб, олий ўқув юрталари, касб-хунар коллежларида талабаларга таълим бераётган раҳбар ва ўқитувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази томонидан ҳудудлар кесимида тиббиёт коллежларининг директорлари, ўқув ишлари ва ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари учун республика семинари ўтказилди.

Жорий йилнинг 10 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, ўрта-махсус касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари тиббиёт коллежларининг директорлари, ўқув ишлари ва ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарларига мўлжалланган навбатдаги республика семинари ўтказилди.

Тадбирни 1-республика тиббиёт коллежи директори, Республика тиббиёт коллежлари директорлари раёсати раиси Мавлуда Зияева кириш сўзи билан очиб, республика семинарларини ташкил этишдан асосий мақсад ва унинг келгусидаги вазифалари хусусида



тўхталиб ўтди. Шунингдек, М. Зияева ўз маърузасида коллеж директорларининг вазифалари, шунингдек, муҳим масалалардан бири бўлган ҳужжатларни тўғри юриштиш, ўқув ва услубий ишларни тўғри ташкил қилиш каби бир қанча асосий мавзуларга урғу бериб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида тиббиёт коллежлари директорлари, ўқув ишлари ҳамда ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарларининг секция йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда “Таянч коллежлар фаолияти таҳлили ва келгусидаги вазифалар”, “Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарларининг лавозим вазифалари ва ўқув бўлими ишини ташкил қилиш”, “Ўқув амалиётини таъ-



минлаш мақсадида меъёрномага мувофиқ ажратилган хом ашёлардан самарали фойдаланиш” мавзуларида семинар иштирокчиларининг фикр ва мулоҳазалари тингланди.

Бу каби семинарлар айти кунда республика миқёсида олиб борилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 2015-2016 ўқув йилига тайёрғарлиги бўйича амалга оширилиши муҳим бўлган вазифаларни белгилашдан иборатдир.

Намоз ТОЛИПОВ.

Ибодат СОАТОВА олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ БУЙРУҒИ

2015 йил 15 июль

293-сон

Тошкент шаҳри

«Асосий дори воситалари рўйхати»ни ўсимликлар асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари билан кенгайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 апрелдаги «Доривор ўсимликлар асосидаги дори воситаларини ва биологик фаол кўшимчаларни (БФК) маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 32-сонли мажлис қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. «Асосий дори воситалари рўйхати»ни ўсимликлар асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари билан кенгайтирилган рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, республика миқёсидаги даволаш-профилактика муассасалари, ҳудудий Давлат санитария-эпидемиология нazorати марказлари, олий тиббиёт ва фармацевтика институти, ўрта махсус тиббиёт муассасалари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий ўқув юртлири клиникалари марказлари ҳамда сихатгоҳлар раҳбарларига:

ушбу буйруқ матни билан тасдиқланган «Асосий дори воситалари рўйхати»даги ўсимликлар асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари билан кенгайтирилган рўйхати электрон кўриниши-

да ёки зарур миқдорларда кўпайтирилиб, ўз тасарруфларидаги даволаш-профилактика, санитария-эпидемиология нazorати муассасаларига етказиш таъминлансин;

барча даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари ушбу буйруқнинг ижросига бевосита масъул этиб тайинлансинлар;

ҳудудлардаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан бюджет маблағлари ҳисобига «Асосий дори воситалари рўйхати»даги ўсимликлар асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари билан кенгайтирилган рўйхатидан дори воситаларини харид қилиш, доимий фаолиятдаги ҳайъат аъзолари иштирокида амалга оширилсин;

барча даволаш-профилактика муассасалари (руҳий касалликлар, наркология даволаш-профилактика муассасалари бундан мустасно), шу жумладан, амбулатор-поликлиника тизимидаги даволаш-профилактика муассаса (ҚВП)ларида жорий йилнинг 5 августига қадар фитобарлар очилиши таъминлансин;

даволаш-профилактика муассасаларида ташкил этилган фитобарларда фитотерапевтлар тайерлашда «Асосий дори воситалари рўйхати»га киритилган ўсимликлар асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари билан кенгайтирилган кўшимча рўйхатидаги дори воситаларидан фойдаланилсин;

фитобарлар очилиши тўғрисидаги ахборот жорий йилнинг 5 августига қадар ва келгусида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар ҳар чоракда кейинги ойнинг 5-санасигача Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш марказига мунтазам равишда берилишини таъминласин; тиббиёт муассасаларида фитобарлар ташкил этилиши ва фаолияти амалга оширилиши бўйича раҳбарлар шахсан масъул деб ҳисоблансин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Х. К. Джалилов томонидан 1 ой муддатда ушбу буйруқ матни электрон ёки босма шаклда кўпайтирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига, республика миқёсидаги даволаш-профилактика муассасаларига, олий тиббиёт ва фармацевтика институти, ўрта махсус тиббиёт муассасалари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий ўқув юртлири клиникалари марказларига ҳамда сихатгоҳларга етказиш таъминлансин.

4. Ван ва ўқув юртлири Бош бошқармаси бошлиғи Ў. С. Исмаилов томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибига кирган барча олий тиббиёт ва

фармацевтика ўқув юртлири, ўрта махсус тиббиёт ва фармацевтика муассасаларида жорий йилнинг 25 августига қадар фитобарлар очилиши таъминлансин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекцияси бошлиғи А. А. Содиқовга даволаш-профилактика муассасаларида ажратилган бюджет маблағлари ҳисобига доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари формуляри асосида хариди бўйича режали текширишларда назорат қилинсин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати бошлиғи Ф. Ч. Санаев, Соғлиқни сақлашни электрон ривожлантириш «UZMEDINFO» маркази директори М. В. Боймухамедов, «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасининг Бош муҳаррир ўринбосари И. Ж. Соатова ва Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Х. К. Джалиловга:

5 кун муддатда ушбу буйруқ матни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Бош бошқарманинг веб-сайтларига жойлаштирилсин.

7. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А. А. Худайров зиммасига юклатилсин.

Вазир А. АЛИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2015 йил 15 июлдаги 293-сон буйруғига илова

«Асосий дори воситалари рўйхати»ни кенгайтириш учун таркибда доривор ўсимликлар сакловчи дори воситаларининг рўйхати

№	Халқаро-патентланмаган номи	Дори шакли
Витаминлар ва уларнинг ҳосилалари		
1	Аскорутин (комб. препарат – аскорбин кислотаси, рутин)	Таблеткалари №10 (контурли катакли ўрамлар, контурли катаксиз ўрамлар); № 30, № 40, № 50 (банкалар)
2	Наъматак меваси (Плоды шиповника)	сироп 40 мл., 50 мл., 90 мл., 100 мл., 200 мл., 300 мл., 1 л (флаконлар) Доривор ўсимлик хом ашёси 50 г., 100 г., 150 г. (полиэтилен пакетлар, картон қутилар), 10 кг, 15 кг, 20 кг, 25 кг, 50 кг (қоплар)
Ўт-сафро ҳайдовчи воситалар		
3	Самарқанд бўзочу гули (Самарқандского бессмертника цветки)	Доривор ўсимлик хом ашёси 30 г, 50 г (картон қутилар); 7 кг, 10 кг, 15 кг (қоплар)
4	Ходжиматов ўт ҳайдовчи йиғмаси (Желчонный сбор Ходжиматова)	Доривор ўсимлик хом ашёси 2,5 г № 10 (1x10) (қоғоз пакетлар)
5	Маккажўхори сўғаси ва попуғи (Кукрузы столбики с рыльцами)	Доривор ўсимлик хом ашёси 25 г, 30 г, 40 г, 50 г, 100 г (полиэтилен, қоғоз ва картон пакетлар); 1 г № 20, № 25 (фильтр-пакетлар)
6	Холосаси	Эритма 70 мл, 90 мл, 125 мл, 140 мл, 280 мл (флаконлар, идишлар)
Кардиотониклар		
7	Дулана меваси (Плоды боярышника)	Настойка 20 мл, 25 мл, 40 мл, 50 мл (флаконлар, флакон-томизгичлар) Доривор ўсимлик хом ашёси 50 г, 100 г, 130 г, 150 г, 200 г (полиэтилен ёки қоғоз пакетлар, картон қутилар); 2 г № 25, № 50 (фильтр пакетлар); 50 кг дан кўп эмас (юлларда)
Седатив воситалар		
8	Доривор валериана (Экстракт валерианы)	Қобик билан қопланган таблеткалар 20 мг № 10, № 25, № 50 (5x10), (2x25) (контурли катакли ўрамлар) Настойка 15 мл, 20 мл, 25 мл, 40 мл, 50 мл (флаконлар, флакон-томизгичлар) Доривор ўсимлик хом ашёси
9	Кардиолекс	Настойка 25 мл, 50 мл (флаконлар)
10	Доривор лимон ўт (Трава мелиссы лекарственной)	Доривор ўсимлик хом ашёси 50 г (кути, пакетлар)
11	Арсион куйруқ ўти (Трава пустырника)	Спиртли эритма (настойка) 20 мл, 25 мл, 30 мл, 40 мл, 50 мл (флаконлар)
12	RANO йиғмаси (Сбор Rano)	Доривор ўсимлик хом ашёси 20 г, 30 г, 40 г, 50 г, 100 г (полиэтилен пакетлар, қутилар)
13	Тинчлантирувчи Rano йиғмаси (Сбор Rano успокоительный)	Доривор ўсимлик хом ашёси 50 г (полиэтилен пакетлар, қутилар)
Буйрак-тош касалликларида қўлланувчи воситалар		
14	Қушторон ўти (Трава горца птичьего (спорыша))	Доривор ўсимлик хом ашёси 30 г, 50 г (картон қутилар); 40 кг (қоплар)
Буриштирувчи моддалар		
15	Эман пўстлоғи (Кора дуба)	Доривор ўсимлик хом ашёси 50 г, 100 г (полиэтилен пакетлар, картон қутилар); 20 кг, 25 кг, 30 кг, 40 кг, 50 кг (қоплар)
16	Дағал дала чай ўти (Трава зверобоя)	Настойка 15 мл, 20 мл, 25 мл, 40 мл, 50 мл (флаконлар, флакон-томизгичлар) Доривор ўсимлик хом ашёси 30 г, 50 г, 100 г (полиэтилен пакетлар, картон қутилар); 10 кг, 15 кг, 20 кг, 25 кг, 40 кг, 50 кг (қоплар)

Балғам кўчирувчи воситалар		
17	Майда гулли тоғрайхон ўти (Трава душицы мелкоцветной)	Доривор ўсимлик хом ашёси 25 г, 30 г, 40 г, 50 г, 100 г (полиэтилен пакетлар, қоғоз, картон қутилар); 50 кг (қоплар); 1 г, 1,5 г № 25, № 50 (фильтр-пакет)
18	Кўкрак йиғмаси №2 (Сбор грудной №2)	Доривор ўсимлик хом ашёси 50 г (полиэтилен ва қоғоз пакетлар, қутилар)
19	Кизилмия илдизи (Корень солодки)	Доривор ўсимлик хом ашёси Сироп 40 мл, 50 мл, 90 мл, 100 мл (флаконлар)
Антигипертензив воситалар		
20	Зизифора ўти (Трава зизифоры цветочной)	Доривор ўсимлик хом ашёси 50 г (пакет, қутилар)
Ич юмшатувчи воситалар		
21	Ольхасимон франгула пўстлоғи (Кора крушины)	Доривор ўсимлик хом ашёси 50 г, 100 г, 130 г, 150 г, 200 г (картонқутилар, полиэтилен пакетлар)
Ферментлар		
22	Куккумазим ® 50 ПЕ	Лиофилланган кукун № 10 (ампула)
Миометрийни қисқаришни кучайтирувчи восита		
23	Жағ-жағ ўти (Трава пастушьей сумки)	Доривор ўсимлик хом ашёси 50 г (картон қутилар)
Маҳаллий таъсир қилувчи восита		
24	Аччиқ қалампир (перец стручковый)	Спиртли эритма (настойка) 20 мл, 25 мл, 50 мл (флаконлар)
Иштаҳа очувчи воситалар		
25	Аччиқшвоқ (эрмон) ўти ва барги (Трава полыни горькой, Листья полыни горькой)	Доривор ўсимлик хом ашёси 30 г, 50 г (қоғоз ва полиэтилен пакетлар, картон қутилар); 25 кг дан кўп эмас (юллар); 40 кг (катта қоп)
Метеоризмга қарши восита		
26	Ел ҳайдовчи йиғма (Сбор ветрогонный)	Доривор ўсимлик хом ашёси 50 г (қоғоз ва полиэтилен пакетлар, қутилар)
Гиёжаларга қарши воситалар		
27	Қовок уруғи (Тыквенные семена)	Доривор ўсимлик хом ашёси 50 г, 100 г, 130 г, 150 г, 200 г (полиэтилен пакетлар, картон қутилар); 25 кг, 50 кг (қоплар)
Гемостатиклар		
28	Оддий бўймадорон ўти (Трава тысячелистника обыкновенного)	Доривор ўсимлик хом ашёси 25 г, 30 г, 40 г, 50 г, 100 г (картон қути, полиэтилен пакетлар)
29	Икки уйли газанда барги (Листья крапивы)	Доривор ўсимлик хом ашёси 30 г, 50 г, 100 г (полиэтилен пакетлар, картон қути); 5 кг, 10 кг, 15 кг, 25 кг, 40 кг (қоп, катта қоплар)
Метаболик жараёнларни тўғрилловчи воситалар		
30	Фитин	Таблеткалар 0,25 г № 6, № 10, № 20, № 20 (2x10), № 30 (3x10), № 40, № 40 (4x10) (контурли катакли ўрам); № 6, № 10 (контурли катаксиз ўрам); № 20, № 30, № 40, № 50 (банкалар)
Яллиғланишга қарши воситалар		
31	Доривор маврак барги (Листья шалфея лекарственного)	Доривор ўсимлик хом ашёси 25 г, 30 г, 40 г, 50 г, 100 г (қоғоз ёки полиэтилен пакетлар, картон қутилар); 30 кг, 40 кг, 50 кг (катта қоплар); 15 кг, 20 кг, 25 кг (қоплар); 10 кг, 15 кг (картон)
32	Мойчечак гуллари (Цветки ромашки)	Доривор ўсимлик хом ашёси 30 г, 50 г, 100 г (полиэтилен, қоғоз пакетлар, картон қутилар); 0,5 г, 1,0 г (фильтр пакет), 10 кг, 15 кг, 20 кг (қоплар)
33	Тирноқул (Календула)	Доривор ўсимлик хом ашёси настойка 20 мл, 25 мл, 40 мл, 50 мл (флаконлар, флакон-томизгичлар)
Диуретиклар		
34	Тукли эрва ўти (Трава эрвы шерстистой (Пол-Пола))	Доривор ўсимлик хом ашёси 30 г, 50 г, 100 г (қоғоз ва полиэтилен пакетлар, картон қутилар); 0,5 г, 1,0 г (фильтр пакет); № 20, № 25, № 30 (картон қутилар)

Ҳурматли газетхонлар!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бериб келаётганлиги қувонарли, албат-

та. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимига қарантилаётган эътибор бундан мустасно эмас. Газетамизда «Савол беринг – жавоб берамиз» руқни остида мутахассислар билан му-

лоқот олиб борилмоқда. Агар Сизда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса, вазирликнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz электрон манзили ёки 241-86-16 телефон

рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси саҳифаларида чоп этиб борилади.

Қонун ижодкорлиги

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

бир қатор қонунларни қайтадан такомиллаштириш ва тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб қилмоқда

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар тиббий хизмат сифатини янги босқичга кўтариб, халқимиз саломатлигини янада мустақамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, қонунчилик соҳасидаги ўзига хос янгиликлар, давр талабига мос талаблар тиббиёт тизимини тубдан янгилашда ва пировардида аҳолига кафолатланган, кенг қулайлик ва имкониятларга эга тиббий хизмат турларини кўрсатиш кундан-кунга оммавийлашиб бормоқда.

Аҳолини сифатли ва самарадор дори воситалари билан таъминлаш – долзарб вазифа

Дарҳақиқат, юртимизда аҳолини сифатли, кафолатланган дори воситалари билан таъминлаш ҳамда фармацевтика фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Тизимдаги мазкур фаолиятлар бугунги кунгача амалдаги “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солиб келинаётган эди. Аммо давр ва вақт ўтиши билан қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаби вужудга келди. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Мавлуда Хўжаева қуйидагиларни гапириб ўтди:

– Айтиш керакки, давлатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг соғлиқни сақлаш соҳасида бир қатор муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонун қабул қилингунга қадар юртимизда фақат иккитагина фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатган. Улар томонидан атиги 30 га яқин дори воситаси ишлаб чиқарилган. Мазкур қонун қабул қилингач, фармацевтика sanoatining ривожланишига асос солинди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 149 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 1 минг 482 номдаги дори воситаси ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, ўтган даврда дори воситалари сифатини назорат қилиш тизими яратилди. Ҳозир бу соҳада Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси, “Ўзстандарт” агентлиги томонидан аккредитациядан ўтказилган 8 та тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органи, “Дори-дармон” акциядорлик компаниясига қарашли 15 та назорат-таҳлил лабораторияси ҳамда ҳар бир фармацев-

тика корхонасининг ички назорат-таҳлил лабораторияси фаолият юритмоқда. Айни вақтда амалдаги мазкур қонунни бугунги кун талабидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳасининг амалдаги қонундан фарқи куйидагиларда ўз ифодасини топган. Яъни, амалдаги қонуннинг 2-моддасида берилган асосий тушунчалар 19 тадан 15 тага қисқартирилди, 7 та янги модда қўшилди, шунингдек, қолган барча моддаларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Дорихонанинг аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашдаги муҳим аҳамиятини, шунингдек, ушбу қонуннинг асосий элементи эканини ҳисобга олган ҳолда, қонун лойиҳаси “Дорихона” номли алоҳида модда билан тўлдирилди. Ушбу моддада дорихонанинг ваколатлари, уни бошқариш, фаолиятига қўйилган шартлар ва уларни назорат қилиш билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, амалдаги қонунда дорихоналарни фақатгина олий маълумотли фармацевт бошқаришига рухсат берилади, дейилган. Қонун лойиҳасида эса, бугунги кундаги амалиётдан келиб чиқиб, дорихона филиалларини олий ёки ўрта махсус фармацевт маълумотига эга шахслар ҳам бошқариши мумкинлиги тўғрисидаги норма ўрин олмоқда. Бундай тўлдириш дорихона филиалларини бошқариши мумкин бўлган шахсларни аниқлаштириш мақсадида, шунингдек, тиббиёт коллежларини фармацевтика йўналиши бўйича битираётган ёшларимизни иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Қонун лойиҳасига “ножўя реакция” тушунчасининг киритилиши соғлиқни сақлаш тизимидаги, шунингдек, бу соҳага алоқадор бўлган барча юридик шахслар билан мазкур масалада қонуний иш олиб бориш, ножўя реакцияларни ўз вақтида аниқлаш ва инсон саломатлигини сақлаш йўлида тегишли қарорлар қабул қилиш учун қатъий юридик асос бўлади.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатларига дори воситаларининг ножўя реакцияларини аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш (фармакоогоҳлик) билан

боғлиқ илмий тадқиқотларни амалга ошириш вазифаси ҳам киритилди.

Қонуннинг 10-моддаси “Фармакологик воситаларни клиник синовлардан ўтказиш” деб аталган. Мазкур модда ва унда келтирилган нормалар фақат фармакологик воситаларнинг клиник синовларини тартибга солади. Маълумки, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан илк бор ишлаб чиқаришга татбиқ этилган, технологияси ўзлаштирилган дори воситалари ҳам клиник синов объектлари ҳисобланади. Чунки дори воситаларини ишлаб чиқариш шароитлари, технологияси бир-биридан фарқ қилиши, ўз навбатида, дори воситалари хусусиятларининг бир хил намоеён бўлмаслигига олиб келади. Клиник тадқиқотларнинг Миллий этика қўмитасининг рухсатига кўра, амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Бундан кўзланган мақсад – тиббиёт ходимлари ва тадқиқот субъектларининг ҳуқуқи, хавфсизлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилишдир.

Санитария-эпидемиология соҳасидаги осойишталик кучайтирилади

Хабарингиз бор, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қабул қилинди. Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акмал Умирзоқов қуйидагиларни гапириб берди:

– “Соғлом бола йили” Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасининг мақсади аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Уни ишлаб чиқишда давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ушбу соҳадаги муаммолар, бир қатор хорижий мамлакатларнинг санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги тажрибаси ўрганилди. Илгари ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини 1992 йилда қабул қилинган “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Қонун ташкил қилар эди. Ушбу қонун, аввало, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати оширилишини, юкумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олди олинишини ҳамда санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлади.

Соҳада эришилган талай ижобий натижаларга қарамай, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурати юзага келди. “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги Қонунини қабул қилиш муҳим эканлиги айнан шу билан изоҳланади. Таъкидлаш жоизки, янги қонун лойиҳаси соҳа ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, профилактика тадбирларни ўтказишда санитария нормалари ва қоидаларини татбиқ этиш, гигиена қоидаларига риоя этишнинг барқарор тизимини яратиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш устидан давлат назоратини йўлга қўйиш билан бир қаторда ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кучайтириш ва фуқароларнинг масъулиятини ошириш билан боғлиқ устувор вазифаларни қамраб олади.

Жумладан, қонун лойиҳасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Қонун лойиҳасида ер участкасини танлашда, объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва куришда, корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлашда техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқувчиларга, худудлар, иншоотлар, биноларни сақлашга, кимёвий ва биологик воситаларни зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмишга, озик-овқатларга, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, меҳнат шароитларига, касалликлар вужудга келиши ва тарқалишининг олдини олишга доир санитария-эпидемиологик талаблар аниқлаштирилган.

Албатта, ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш комплекс тизимини мустақамлашга, шунингдек, ижро этувчи органлар ва назорат қилувчи хизматлар томонидан самарали назоратни таъминлашга кўмаклашади.

Намоз ТОЛИПОВ
ёзиб олди.

Эътибор ва ғамхўрлик

КЕКСАЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан Фарғона вилоятида ҳам фахрийлар иштирокида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, ёши улғу инсонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлардан кўзланган пировард мақсад аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдир. Бу йўналишдаги эзгу ишлар “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг муҳим йўналиши бўлиб, унинг ижроси доирасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва туманларда барча нуруний отахон ва онахонлар қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларга қамраб олиниб, малакали шифокорлар иштирокида тиббий кўриқдан ўтказилаётган. Айниқса, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори ос-

тида анъанавий ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан нурунийлар мамнун. Хафталик давомида ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда малакали шифокорлари иштирок этиб, кексалар саломатлигини назорат қилмоқда.

Олтиариқ туманида ҳам кексаларнинг саломатлигини мустақамлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш доимий эътиборда.

– Туманда истиқомат қилаётган барча фахрийлар, ёрдамга муҳтож кексалар, беморлар, ногиронларга моддий-маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, – дейди туман тиббиёт бирлаш-

маси бош шифокори Шухрат Бузруков. – Кексаларни эъзозлаш йилида бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгайди. 23 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 9 нафар юз ёшдан ошган кексаларга малакали шифокорлар бириктирилган. Ҳозирга қадар 19 мингдан зиёд меҳнат фахрийси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Кўп тармоқли марказий поликлиника, 20 та қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий ускуна ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

– Ёшим тўқсонда – дейди Оқбўйра қишлоғидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тўланбой Шокиров. – Ҳаётимда кўп қийинчиликларни кўрдим. Илгари тиббий кўриқдан ўтиш у ёқда турсин, унинг нималигини тасаввур ҳам қилолмасдик. Мана, энди кўринг, кексаю ёшнинг саломатлигига давлатнинг ўзи ғамхўрлик кўрсатмоқда. Шифокорлар барака топсин. Уларнинг ширин



сўзи, меҳр ва эътиборидан жуда мамнун-миз.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.
Сурат муаллифи
Муқимжон ҚОДИРОВ. (ЎЗА).

Фахр

ВАТАНИМ ГАРДЛАРИ КЎЗГА ТЎТИЁ

Мустақиллик. Озодлик. Ободлик. Кўнгулга қанчалар яқин бу сўзларни нақадар фахр-ифтихор билан айтаемиз. Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллиги кун сайин яқинлашаётган айни дамда элимизнинг юзу кўзу шодликка тўлмоқда. Янгидан-янги иншоотлар — маъмурий-маиший бинолар, боғ-роғлар, кўприкларни кўрганда, қалбимиз ширин энтикади. Равон ва текис йўлларни айтмайсизми, йўлларни... Ёшим етмишдан ошган бўлишига қарамай, ҳеч бир замонда йўл қурилишига бугунгидек эътибор берилганини билмайман. Доно халқимиз “Йўл обод — дил обод” деганда шуни назарда тутмаганмикан?! Зеро, бу йўллар — истиқлол даврида тиклангани, халқимизнинг узогини яқин, оғирини мушкул қилаётгани барчамизга аён ҳақиқатдир. Ўзбекистон пойтахтини турли вилоятлар, қўшни республикалар билан боғловчи бу йўлларни қурган ва созлаган йўлсозларнинг умри зиёда бўлсин, иншооллоҳ.

Нафақат йўл-транспорт инфраструктураси, балки бошқа соҳаларда ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй бераётганини кузатаётгандирсиз. Ана шу бунёдкорлик ишларининг бошида турган муҳтарам Юртбошимиздан қанчалар миннатдор бўлсак оз. Баҳонайи-сабаб бўлмаса, эҳтимол, бундай ижобий ҳодисаларни қалбдан ҳис этмаган бўлар эдим, бошқа жабҳаларни айтмай қўя қолай, тиббиёт соҳасида ростдан ҳам анча юксалибмиз. Энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган шифохоналар тобора кўпайиб бораётгани, соҳага энг сўнгги русумдаги замонавий технологияларнинг кенг татбиқ этилаётгани, ушбу касб эгаларининг заҳматли меҳнати қадрланаётгани бу жабҳада эришилаётган ютуқларнинг асосий омили бўлапти, десам асло муболағаси йўқ. “Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб”, дейди доно халқимиз. Бу ҳикмат бежизга айтилмаган. Унинг замирида ётган

маъно шуки, бирорта касаллик билан оғриган киши табибнинг иши қанчалик машаққат эканлигини юракдан ҳис қилади. Жисмонан соғлом, бақувват бўлганим учун яқин-яқингача шифокорга деярли ишим тушган эмас. Аммо инсон танасида ёш улғайиши билан юзага келаётган касалликлар пайдо бўлиб, шифокор ҳузурига борганимизни билмай қолар эканмиз. Ҳар ҳолда кўзларим хиралаша бошлаганини пайқамай қолибман. Яқин вақтларгача энг майда ҳарфлардан иборат кичик хатни ҳам бемалол ўқиганман. Энди эса кўзларим хиралашганини сезиб қолдим.

Бундай кезде кўз касалликларини даволайдиган бир қанча шифохоналарга бориш, мутахассисдан маслаҳат олиш истаги уйғониши табиий. Кўплаб кўз шифокорларидан маслаҳат олдим. Тўғриси, турли даволаш мутахассисларидаги бир-биридан аъло шарт-шароитни кўриб, ақлим шошди. Қайси бирида даволансам экан? Охири, Республика ихтисослаштирилган кўз

микрохирургия марказини танладим.

Бу ерда мен марказ директори Зафар Сиддиқов қабулида бўлдим. Ташқи қиёфасидан юз ифодасигача, ўзини туттишидан қўл остидагилару беморлар билан муомаласигача зиёлилик нишонаси барқ уриб турган бу инсон менда жуда илқ таассурот қолдирди. Суриштириб билсам, у тиббиёт соҳасининг эл назарига тушган арбоблари — Ўзбекистон Қаҳрамони Халидбек Комиллов ҳамда профессор Дамин Асадовларнинг шоғирди бўлиб, улар илмий раҳбарлигида 2007 йили соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва офтальмология ихтисосликлари бўйича “Ислоҳ даврида ихтисослашган офтальмологик марказ менежментини оптималлаштириш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган экан. Ҳам илмда, ҳам бошқарувда катта тажрибага эга бундай мутахассислар мустақил Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш учун сув ва ҳаводек зарурлиги кўнгулимдан ўтди. У киши республикада биринчилардан бўлиб, врачлар таъбири билан айтганда, катаракта касаллигида — катаракта экстракцияси билан сунъий гавҳар имплантацияси, шоҳ парданинг хиралликларида — донор шоҳ пардани кўчириб ўтказиш (кератопластика), миопия рефракция аномалиясида — радиал кератотомия жарроҳликларидек замонавий, юқори технологияли даволаш усулларини амалиётга татбиқ қилган қўли энгил шифокорлардан бири экан.

Ўзбекистон мустақиллиги йил-

ларида ташкил қилинган ушбу марказда меҳнат жараёнини жадаллаштириш, беморларни маҳсус — пухта тайёрлаш ва жарроҳликдан кейинги даврда даволашнинг анча мукамал тизими яратилган. Шу сабабли, катаракта касаллигини даволашнинг олтин стандарти бўлган юмшоқ интраокуляр линзалар имплантацияси билан факоэмульсификация усули бу ерда энг кўп ва юқори сифат билан амалга ошириляпти.

Муассасадаги тезкор иш усулларини кўриб, бугун биз дунёнинг ривожланган мамлакатларидан асло қолишмаслигимизга амин бўлдим. Иш юритиш жараёни тўлиқ компьютерлашган. Хорижий давлатлардаги етакчи клиникалар билан интернет тизими орқали мунтазам алоқа ўрнатилгани, ҳужжат юритишнинг электрон тизими йўлга қўйилгани бунинг яна бир қарра исботидир.

Эътиборли жиҳати — марказда чин маънода юқори малакали мутахассислар фаолият юритаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Ана шундай ноёб қобилиятли шифокор Дилшод Абдиназаров қўлида даволанганим менга омаднинг кулиб боққани бўлди. Йилига 250-300 тагача жарроҳлик амалиётини бажариб, беморга оламни, ундаги ранг-

Ахир, собиқ иттифок даврида биз бундай марказга эга бўлиш ҳақида хаёл ҳам сура олмас эдик, ишонинг, азизларим. Ўзбекининг дунё ҳамжамиятидаги номини, шаънини тиклаган мустақилликдан айланай! Дунёнинг адоқсиз машаққатларини зиммасида адл кўтара билган, ўз матонати, иродаси билан олдидаги барча қийинчиликларни мардона енга олган она халқимизнинг бугунги кунда тенглар ичра тенг бўлиб, жаҳонга ўз сўзини айтиши учун бекиёс имкон яратган Истиқлолим, сенга кўз тегмасин!

Абдуғани СУЛАЙМОН.

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!

Сурхондарё вилояти

ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КЎРИКДАН нуроний отахону онахонларимиз, бутун халқимиз бирдек мамнун бўлмоқда

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги байрамга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш, муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш, аҳолига юқори ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда аҳолининг касалланиш кўрсаткичларини камайтириш мақсадида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда “1941-1945 йилларда уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни соғломлаштириш”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Сурхондарё вилоятининг барча туманларида аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги олдида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маҳсус буйруғи асосида юртимизда “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида навбатдаги ижтимоий акция 9-10 июль кунлари бўлиб ўтди. Унда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олим ва юқори малакали мутахассислари аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишда фаол иштирок этдилар. Улар томонидан аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан

ўтказиш билан бир қаторда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни турмуш қуришга муносиб тайёрлаш ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш бўйича тушултириш ишлари ҳам олиб борилди.

Ушбу тадбирни сифатли ва самарали ўтказиш мақсадида Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан маҳсус штаб тузилди ва жараён изчиллик билан олиб борилди. Шу даврда чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказиладиган жойлар кўрикка намунали тайёрланиб, мутахассислар учун шароит яратилиб, тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Тиббий кўрикдан ўтишга эҳтиёжманд

бемор ва ногиронлар рўйхати тайёрланиб, улар тиббий кўрикдан навбатсиз ўтдилар.

Чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтган 1941-1945 йилларда уруш ва меҳнат fronti фахрийларга ҳамда оналар, болалар ва ўсмирларга юқори малакали профессорлар ва етакчи мутахассислар зарур тавсияларни бердилар. Шу даврда жами 618 нафар уруш ва меҳнат фахрийси ҳамда кексалар, оналар, болалар ва ўсмирлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Тиббий кўрикдан ўтган бир қанча беморларга Республика ихтисослашган илмий-амалий ва 35 нафар фуқарога вилоят ихтисослашган тиббиёт марказларига йўлланма, 47 нафар беморга жойларда туман тиббиёт марказлари бўлимларида ва 585 нафар кишига амбулатория-поликлиника шароитида даволаниши учун тавсия берилди. Бу ўтказилган тадбир ва тиббий кўрик халқимиз саломатлигини сақлаш баробарида уларнинг соғликлари ва тиббиётга бўлган ишончи ҳамда эътиборини янада кучайтирди. Пойтахтимиздан ташриф буюрган профессор-олимлар ва етакчи мутахассислар аҳолига турли касалликлар профилактикаси хусусида чуқур маълумотлар бериб, хонадонларда даволанишга муҳтож бўлган бемор-

ларни жойида кўриб, зарурий маслаҳат бердилар. Бундан ташқари, туманларда ўтказилган ижтимоий акцияда ҳокимликлар, барча маҳалла раислари ва маслаҳатчилари, тумандаги хотин-қизлар қўмитаси раислари, туман “Қамолот” ЁИҲ фаоллари иштирокида аҳолининг шифокорлар билан савол-жавоб учрашуви бўлиб ўтди. Аҳоли томонидан берилган саволларга мутахассислар тўлиқ ва мазмунли жавоб бердилар.

— Бу каби тадбирларнинг мунтазамлиги аҳоли орасида касалликларнинг олдини олиш, шунингдек, бирламчи касалликларни аниқлаш ва халқимизнинг саломатлигига бўлган эътибори ошаётганлиги, бу албатта қувонарли ҳолдир. Айниқса, ёзнинг жазирама иссиғига қарамасдан вилоятимизга пойтахтдан ташриф буюрган профессор-олим ва етакчи мутахассислари, шу билан бирга маҳаллий шифокорларимизнинг тиббий кўрик жараёнида фуқароларга кўрсатган амалий ёрдамлари, илқ муносабатлари ҳамда бор билим ва маҳоратларини ишга солганликлари аҳолини ниҳоятда мамнун этди, — дейди Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Қ. Мадатов.

— Кўп йиллардан буён белим

соҳасидаги оғриқ безовта қилар эди. Анча даволанган бўлсам-да, пойтахтимиздан келган шифокорларни эшитиб, уролог, невропатолог, терапевт, кардиолог сингари малакали мутахассислар қабулида бўлдим. Касаллик ташхисим аниқланган, пойтахтимиздаги Республика нейрохирургия илмий марказида текширувлардан ўтиш ҳамда даволанишим учун имтиёзли йўлланма олдим, — дейди 75 ёшли Шокир ота.

Ушбу чуқурлаштирилган тиббий кўрик икки кун давомида аҳолини кенг қамраб олиш билан бирга халқимизнинг тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган эътиборлари янада кучайиб, бундай ижтимоий акциялар мунтазам давом этиш тақлифини киритдилар. Айниқса, улар Юртбошимизга, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳамда шу тадбирни ташкил қилишда иштирок этган мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларига, профессор ва етакчи мутахассисларга ўзларининг самимий миннатдорликларини билдирдилар.

И. ХУДОЙНАЗАРОВ,
Сурхондарё вилояти
Денов туман
“Саломатлик маркази”
директори.

Абитуриент – 2015

СТОМАТОЛОГИЯ СОҲАСИГА КАДР

билимдон абитуриентлардан сараланади

Мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларида 2015-2016 ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёни ниҳоясига етказилди. Жумладан, тиббиёт йўналишидаги Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия, Тошкент фармацевтика, Стоматология институтлари қабул комиссиясида навбат кутиб турган абитуриентларни кузатдик. Улар орасида тиббиёт ёки бошқа йўналишдаги касб-хунар коллежлари ҳамда турли академик лицейларни бу йил тамомлаган ёки иккинчи, учинчи, тўртинчи маротаба ҳужжат топшираётган йигит-қизлар бор.

2014 йилга қадар Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети сифатида фаолият кўрсатган янги олий таълим муассасаси – Тошкент Давлат стоматология институтидан қабул жараёни илк маротаба ташкил этилди. Ўтган йили июль ойида Президентимизнинг “Тошкент Давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинган, бу ерда ўқиш истаги пайдо бўлган ёшлар сони ошиб бормоқда. Буни қабул жараёни четдан кузатган киши дарҳол сезади. Институтнинг ташкил этилишини давр ва замон тақозо этди десак муболаға бўлмайди. Аҳоли ўртасида учрайдиган стоматологик касалликлар, тиш-жағ аномалиясини ўрганиш, ташхис қўйиш, даволаш учун етук ва малакали мутахассислар сув-ҳаводек зарур. Қолаверса, ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистон тобора ривожланишнинг юқори поғонасига чиқиб, дунёдаги нуфузли давлатлар билан тенглашмоқда. Шундай экан, мамлакатимиз аҳолисининг тиббий хизматга нисбатан ошиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга янгидан ташкил этилган стома-

тология институти ўз ҳиссасини қўшади.

Институтда қабул жараёни учун алоҳида бино ажратилган бўлиб, биринчи постда абитуриентнинг ҳужжатлари амалдаги тартиб-қоидага кўра текширувдан ўтказилди. Агар унинг ҳужжатларида камчилик бўлмаса, тўғридан-тўғри қабул жараёни кетаётган хонага ўтказилди. Катта залда абитуриентларнинг вақти тежалиши учун бир нечта стол қўйилган. Бош маслаҳатчининг кўригидан сўнг йигит-қизлар ҳужжатларини топширди.

Абитуриентнинг энг сўнгги ҳолати компьютер орқали суратга туширилиб, лаҳзада чиқариб берилмоқда. Тўғри, у ҳужжатларига кўчириб, 6 донга сурат келтирган бўлиши мумкин. Лекин ҳар қайси ҳудудда, турлича шаклда ва қабул жараёни талабларига тўғри келмайдиган суратни абитуриентлар базасига юбориб бўлмайди. Бир хиллик аввало, институт абитуриентлари базасида стандарт ҳолатни юзага келтирса, иккинчидан, турли шубҳали ҳолатларнинг олди олинади.

– Институтимизда қабул жараёнига жиддий тайёргарлик кўрилди. Қабул комиссияси таркибига ўқишда муайян ютуқларни қўлга киритган, фаол ва та-

шаббускор, саводхонлиги юқори талабалар ва ассистентлардан 25 нафарини жалб қилдик. Улар амалда белгиланган тартиб-қоида бўйича абитуриентларнинг ҳужжатларини бирма-бир кўздан кечириб, рўйхатга тираб қўйишмоқда. Кечки пайтда тушган аризалар сони он-лайн тизимида давлат тест марказига юбориб турилди. Давлат қабул режасига кўра, тест синовларидан муваффақиятли ўтган 400 нафар йигит-қизни талабалikka қабул қилиш режалаштирилган. 108 нафар талаба давлат гранти, 292 нафари эса тўлов-контракт асосида таълим олиши мумкин. Шундан 190 нафари Тошкент Давлат стоматология институтининг ўзида ўқиш имкониятига эга бўлса, қолганлари Андижон, Бухоро, Самарқанд, Нукус филиалларида таълим олишади. Билим эгаллаш учун турли ўқув курсларида шуғулланган ёки хусусий репетитордан маблағини аямаган абитуриентлар талабалик бахтига мушарраф бўлишларига шубҳа йўқ. Фалғирни сувдан кўтарадиган палла жуда яқин. 2575 нафар абитуриентнинг ҳаяжони чексиз. Бўлғуси талабалар биология, кимё, она тили ва адабиёти (инглиз тили аралашган ҳолда) тест синовларидан ўтказилади, – **деди қабул комиссияси масъул котиби Авзал Акбаров биз билан суҳбатда.**

Абитуриент ўз олдига қатъий мақсад қўйиб, бунга эришиш учун курашадиган қатлам ҳисобланади. Улар орасида энг юқори балл тўплай оладиганлари ҳам ёки таваккалдан ҳужжат топшириб, ҳеч бўлмаганда тўлов-контракт асосида ўқишни ният қилаётганлар ҳам бор. Аммо бундай

абитуриентларни астойдил тайёргарлик кўрган, дарслик билан чекланмай, қўшимча ўқув адабиётларини титкилаб, ўз билим захирасини бойитган тенгқурлари ортада қолдириши аниқ. Уларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, стоматология йўналишини қатъий ва узил-кесил танлагани гап-сўзларидан яққол сезилди.

Мамлакатимизнинг жанубий Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманида вояга етган Азиза Раҳмонова 2013 йилда республика рассомлик касб-хунар коллежини тамомлаб, стоматология факультетига ҳужжат топширган бўлса-да, омад кулиб боқмади. 2014 йилда бу қиз ҳужжатларини сира иккиланишсиз яна шу йўналишга топширди. Бу гал ҳам натижа кутилганидек бўлмади. Аммо абитуриентнинг бу галги шашти бошқача.

– Икки йиллик уринишимда биология, кимё ва она тили-адабиёти фанларидан билим даражам ўтиш балига лойиқ эмаслигини сездим. Отам билан маслаҳатлашиб, Тошкент шаҳридаги “Навой” абитуриентларни тайёрлаш ўқув марказида айнан шу фанлар бўйича шуғулландим. Биология, кимё фанидан чиқарилган тест саволларини ечиш энди менга қийинчилик туғдирмайди. Ўқув марказида устозларим Отабек Муҳиддинов, Мансур Сиддиқовдан қийин ва мураккаб мавзуларни ўзлаштиришда ёрдам сўрадим. Бу йил менга омад кулиб боқишини жуда-жуда иштайманд, бунинг учун имкониятларим етарли, – **деди Азиза ишонч билан.**

Абитуриентдан ҳужжат қабул қилиш масъулиятли жараёндир.

Институт ректори номига ёзилмайдиган аризадан ташқари, барча ҳужжатлар абитуриентнинг ўқиш ёки иш жойи, яшаш манзилига бориб тақалади. Бирма-бир текширувдан ўтказилганда, айрим абитуриентларнинг ҳужжатида хато-камчиликлар учраши мумкин.

– Бундай пайтда абитуриентга хатосини тўғрилаб келиши учун имконият яратдик, – дейди қабул жараёнига жалб этилган терапевтик стоматология факультетининг 1-босқич талабаси Наргиза Шокирова. – Абитуриент билан аввало, нима учун шу соҳани танлагани юзасидан савол-жавоб ўтказдик. Айримларининг мақсади қатъий, шижоати баланглигига тан берсак, иккиланиш ёки таваккалчилик ҳолатида бўлган баъзи ёшларга касбини тўғри танлай олиши учун қўшимча маслаҳат бердик. Албатта ҳар бир стоматолог бўлишни ният қилиб, шунга яраша интилган ёшларга омад кулиб боқиши тарафдоримиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги даволаш муассасаларига биология кадр тайёрлаб бериш мақсадидаги хизмат қилувчи мазкур олий таълим муассасасининг собиқ талабалари ҳар бир вилоят ва туманда топилади. Улар туман тиббиёт бирлашмасига қарашли оилавий поликлиника ҳамда стоматология клиникаларида аҳолига зарурий тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Шубҳасиз, институтга бу йил қабул қилинадиган талабалар ҳам бир неча йилдан сўнг улар сафига қўшилдилар, дея эзгу ниятлар билдириб қоламиз.

БИЛИМИ БОР МИНГНИ ЙИҚАР

Тошкент фармацевтика институтига ҳужжат топширган абитуриентлар ҳам кам эмас. Уларни навбати билан ичкарига киритиш жорий қилинди. Ҳар йилги қабул жараёнидаги сингари мазкур институтига мамлакатимизнинг фармацевтика саноатини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, аҳолига дорихона хизмати кўрсатиш ниятида бўлган йигит-қизлар ҳужжат топширдилар.

Бино ичкарасига кирар эканмиз, институт ходимлари абитуриентлар ҳужжатини бирма-бир кўздан кечириб, умумий рўйхатга қайд қилиб қўйдилар. Қабул жараёнининг намунаси ташкил этилиши, абитуриентларнинг навбат кутиб узоқ туриб қолмаслиги институт раҳбарияти ва комиссия аъзоларининг диққат-эҳтиборида бўлди. Бу ҳақда қабул комиссияси масъул котиби ўринбосари Абдумўмин Фаниевнинг фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир:

– 5 та бакалавриат йўналиши бўйича ариза қабул қилинди. Қабул квоталари бўлғуси мутахассисга нисбатан талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб белгиланади. Энг кўп қабул режаси касб таълими (фармация)га ажратилган бўлиб, 320 нафар абитуриент талабалikka қабул қилинади. Шундан 49 нафари давлат гранти ва 271 нафари тўлов-

контракт бўйича ўқиш имкониятига эга бўлади. Талаб ва эҳтиёжни ўрганиш натижасида институтимизга янги йўналишда кадр тайёрлашимиз кераклиги ойдинлашди. Шу боис, янги 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)” бўйича талабалар таълим ола бошлайдилар. Бу йўналиш бўйича кадр тайёрланишини замон тақозо этмоқда. Дори-дармон воситаларини ўлчаш, стандартлаштириш ва маҳсулот сифатини назорат қилишни бошқариш фармацевтика хизматида учраётган айрим тартибсизликларни изга солади. Янги йўналишга ҳозирча 20 нафар талабани қабул қилиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, мавжуд магистратура мутахассисликлари қаторига “Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш” бўйича бакалаврлик дипломига эга бўлган билимдон би-

тирувчилар қабул қилинади. “Билаги бор бирни, билими бор мингни йиқар” деганларидек, тест синовларидан юқори балл тўплаган абитуриентлар институтимиз талабаси бўла олади.

Тошкент фармацевтика институти юртимиздаги ягона олий ўқув юртларидан бири ва унинг ҳеч қайси вилоятда филиали йўқ. Шу боис, бу ерга Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан абитуриентлар келиб, ўз билим даражасини синовдан ўтказишади. Олис масофани, жазирама об-ҳаво шароитида босиб келган абитуриентга кўнгилдагидек шарт-шароит яратилганига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, қираверишда абитуриентлар учун тиббий хизмат ташкил этилди.

Нигора АШУРОВА,
институт тиллар
кафедраси ўқитувчиси:

– Ҳар бир абитуриентнинг ҳужжатини синчиклаб текширдик. Агар у биринчи йили топширган бўлса, коллеж ёки лицейда биология, кимё, она тили ва адабиёти фанларини қандай ўқиганлигини суриштирдик. Қолаверса, фармацевтика йўналишини у нима учун танлади? Агар абитуриент иккинчи ёки учинчи йил топшираётган бўлса, ўтган давр мобайнида ишлаганлиги ёки ўқув курслари-

да шуғулланганлиги тўғрисида маълумотнома талаб қилдик. Бу институтимиз абитуриентлари базасини шакллантиришдаги биринчи талабдир. Институтимиз ректорати, ўқув бўлими ва бошқа жамоат ташкилотлари келишувига мувофиқ, абитуриентлар ҳужжатини қабул қилиш, уларга ДТМ варақасини тарқатиш, тест синовларидан ўтказиш бўйича махсус режа ишлаб чиқилган. Ҳужжатлар қабули тўхта-тилганидан сўнг, институтимизнинг 6 нафар профессор-ўқитувчиси абитуриентларга фан блоклари бўйича консултация ўтказишмоқда. Юзма-юз машғулота талабалikka даъвогарлар тест синовлари юзасидан ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари мумкин. Биотехнология (тармоқлар бўйича) йўналишидан ташқари барча ихтисосликларда тест синовлари биология, кимё, она тили ва адабиёти фанларидан ўтказилади. Биотехнология йўналишида математика иккинчи блокка киритилган.

Абитуриентлар учун муштарак бўлган жиҳат: ҳар бири келажакда етук мутахассис бўлиб, ҳаётдан ўз ўрнини топгиси келади. Бу йўлда тинимсиз интилган, ўқиб-ўрганган ёшларни муваффақият кутмоқда. Табиий фанлар йўналишида икки маротаба ўз билимини синовдан ўтказган Саодат Ҳамроевани суҳбатга тортамыз.

– 2013 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейни тамомлаб, кимё-технология институтига ҳужжат топширдим. Омаддим чопмади. Ўтган йили эса Ўзбекистон Миллий университетининг биология-тупроқшунослик факультетига кира олмадим. Бу йилги орзуим саноат фармацевтика талабалига қабул қилинишдир. Тайёргарлигим пухта. Саноат фармацевтика бўйича етук мутахассис бўлиб, мамлакатимиз дори ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришда ўз ўрнини топиб олишдир, – дейди суҳбатдошимиз.

Яна бир ҳафтадан сўнг барча олий ўқув юртларида тест синовлари ўтказилади. Умид қиламизки, тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларига пухта тайёргарлик кўрган, танлаган касбини аъло даражада эгаллаб, юртимиз тарққийетига ҳисса қўшадиган ёшлар сараланади.

Хулқар КУЗМЕТОВА.

Научные изыскания

ЛЕГЧЕ ПРЕДУПРЕДИТЬ БОЛЕЗНЬ, ЧЕМ ЛЕЧИТЬ ЕЕ

Мигрень – рецидивирующая, пульсирующая, интенсивная боль, которая обычно захватывает одну половину головы, но иногда распространяется на всю голову. Боль начинается внезапно, и ей могут предшествовать или сопутствовать зрительные, неврологические или желудочно-кишечные симптомы. Около 12-15 % населения земного шара страдает этим недугом. У женщин мигрень бывает в 2-3 раза чаще, чем у мужчин, так как передается, в основном, по женской линии.

Термин «мигрень» был предложен великим Гиппократом в V веке до нашей эры (правда, по-древнегречески он выглядел несколько иначе – «hemikrania» – половина черепа). Мигрень часто называют болезнью великих людей. Мигренью страдали: Юлий Цезарь, Линней, Бетховен, Гейне, Нобель, Мопассан, Дарвин, Шопен, Чайковский, Ницше, Фрейд. Впоследствии французы стали произносить это слово как «migraine», но смысл его остался прежним: при наиболее характерном приступе мигрени боль охватывает только половину головы.

Мигрень может появиться в любом возрасте, обычно она впервые дает о себе знать в период от 10 до 30 лет, никогда не приводит к смерти, рано или поздно, но к 40-60 годам полностью исчезает. Тяжесть заболевания варьируется от редких (несколько раз в год), сравнительно лёгких приступов, до ежедневных; но, чаще всего, приступы мигрени повторяются с периодичностью 2-8 раз в месяц.

Причины возникновения мигрени

Есть несколько теорий, которые объясняют появление головных болей при мигрени.

1. Ухудшение кровоснабжения мозга из-за сужения просвета альвеол
 2. Неравномерное расширение сосудов головного мозга и уменьшение реактивности артериол в отношении двуокиси углерода.
 3. Расстройства центрального отдела нервной системы.
 4. Нарушения, связанные с обменом серотонина.
 5. Повышением и понижением артериального давления.
- Часто люди, страдающие этой болезнью, ощущают боль после:
- физических нагрузок;
 - нервного перенапряжения;
 - пребывания в душном, накуренном помещении;
 - обезвоживания;
 - употребления пива, красного вина, шампанского;
 - приема гормональных контрацептивов;
 - смены погоды и климатических условий;
 - избытка или нехватки сна;
 - употребления сыра, шоколада, цитрусовых, орехов, рыбы.

Симптомы мигрени

Головные боли при мигрени чаще всего возникают с одной стороны головы, но могут распространяться на обе ее половины. Они могут охватывать верхнюю челюсть, глаз, шею. Боль имеет пульсирующий характер и усиливается после появления раздражителей, таких как яркий свет, сильный запах, громкий звук. Часто во время приступа человек ощущает тошноту, чувство тяжести и спазма в желудке, может возникнуть рвота. Поэтому часто обезболивающие таблетки не оказывают никакого действия. Не редко возникает головокружение и нарушение ориентации в пространстве. Наблюдается раздражительность, угнетенное состояние, подавленное настроение. Больной чувствует возбуждение или, наоборот, сонливость. Приступ может длиться от получаса до нескольких часов. Если боль не удается снять на протяжении нескольких суток, то это называется мигренозным статусом. У некоторых больных перед приступом мигрени могут появиться предвестники. Они свидетельствуют о скором начале сильной головной боли. Это явление называется **аурой**. Симптомами ауры являются туман перед глазами, головокружение, зрительные, тактильные и слуховые галлюцинации, нарушения координации и речи, плаксивость, желание съесть сладкое. Если в этот период принять лекар-

ство, то в некоторых случаях удается предупредить наступление приступа.

В результате исследований ученых-медиков из Франции была обнаружена повышенная активность гипоталамуса во время приступа мигрени.

Гипоталамус – это участок головного мозга, занимающий 5% от общей его массы. Несмотря на такие маленькие размеры, гипоталамус регулирует работу всей эндокринной системы организма. В гипоталамус поступает вся информация о деятельности сердечной и дыхательной системы. В нем находятся центры голода и жажды, а также регулирующие эмоциональное поведение человека. Именно гипоталамус отвечает за регулирование сосудистого тонуса и контролирует реакцию человека на внешние факторы, провоцирующие головную боль.

Для снятия приступа каждый больной должен иметь при себе правильно подобранные таблетки от мигрени. Чаще всего принимают парацетамол, противовоспалительные средства (нестероидные), – аспирин и триптаны.

Триптаны от мигрени появились сравнительно недавно – в девяностых годах двадцатого века. В отличие от препаратов старого поколения, триптаны действуют сразу в нескольких направлениях. Они сужают сосуды головного мозга, снимая тем самым болезненную пульсацию. Самое интересное, что триптаны не оказывают никакого действия на остальные сосуды. К тому же они воздействуют на группу рецепторов в головном мозге, которые выделяют вещества, вызывающие головную боль и воспаление. Триптаны также оказывают обезболивающее действие, снижая чувствительность ядра тройничного нерва.

Препараты от мигрени, содержащие кофеин или кодеин, хорошо помогают, но они вызывают зависимость: мозг запоминает их стимулирующее действие и будет стараться создать ситуацию (очередной приступ), вынуждая человека снова и снова принимать сильнодействующие лекарства. Поэтому мы должны принимать лекарственные средства только по назначению и под наблюдением врача.

Если головная боль не прекращается в течение 24 часов и сопровождается повышением температуры или другими нехарактерными для мигрени симптомами, следует обратиться к врачу, поскольку острая головная боль может быть симптомом других заболеваний. Для пациентов с частыми возобновлениями мигрени рекомендуется прием лекарств, чтобы прекратить приступ как можно раньше. Мигрень без ауры и тошноты может наступать внезапно. Большинство пациентов не принимают лекарства в начальном периоде развития мигрени, надеясь, что она пройдет сама по себе. Однако в большинстве таких случаев она характеризуется повышенной болезненностью, долгим течением и пониженной эффективностью медикаментов. Обычно лечение приступа в начальном периоде предотвращает его и может понизить частоту рецидивов.

Профилактика мигрени

Профилактика мигрени проводится, если приступы повторяются более двух раз в месяц. Это лечение длительное, проводится оно курсами. Такая схема помогает уравновесить работу мозга, не угнетая при этом работоспособность пациента.

Огромную роль в успешном лечении мигрени играет образ жизни человека! **Во-первых**, надо нормализовать сон, поскольку он является основным источником энергии.

Во-вторых, следует отказаться от курения, алкоголя, кофе.

В-третьих, людям, страдающим мигренью, важно организовать правильное питание. Не надо прибегать к различным модным диетам, есть надо все продукты,

но при этом нельзя делать перерывы между приемами пищи более пяти часов. Пища должна быть натуральной и, по возможности, свежеприготовленной. Не отказывайтесь от яиц, молочных продуктов. Обязательно ешьте побольше овощей и фруктов. Не злоупотребляйте специями.

В-четвертых, отнеситесь серьезно к физическим нагрузкам. Если до 30 лет человек способен перенести перегрузки, то после тридцати их интенсивность следует уменьшить. Полезно ходить пешком, заниматься плаванием, делать физическую зарядку. Другими словами, двигайтесь как можно больше, так как это тренирует также и кровеносные сосуды коры головного мозга, но делать это нужно в умеренном темпе. Никакой парфюмерии! Определенные ароматические вещества являются основной причиной головных болей.

В вашем меню должно быть меньше мяса, зато больше рыбы. Причина заключается в том, что вещества, вызывающие боль и воспаления, образуются из так называемой арахидоновой кислоты, которая содержится в мясе.

Для предотвращения мигрени из рациона питания нужно исключить тиамин, содержащийся в твердом сыре, маринованную сельдь и куриную печень, сладкие газированные напитки. Орехи, какао, шоколад, цитрусовые фрукты, окрашенных мясных изделий – копченые колбасы, балык, ветчина, жирные молочные продукты тоже способствуют возникновению приступов мигрени. Также требуется сбалансированное трехразовое питание для предотвращения снижения уровня глюкозы в крови.

Народные средства в борьбе против мигрени

Народные средства от мигрени являются хорошим подспорьем в лечении мигрени лекарственными препаратами. Природа подарила нам множество трав, способных исцелить наши недуги. В народной медицине существует много растений, облегчающих страдания больного мигренью: отвар клевера лугового, свежие листья капусты и сирени, сок свежего картофеля, эффективное средство от мигрени – крепкий зеленый чай, а также сок смородины, настой из цветков бузины сибирской, травяные сборы, состоящие из цветков боярышника, травы пастушьей сумки и омелы.

Не следует забывать и о том, что действие трав на организм разноплановое. А большинство людей имеют проблемы с разными органами. По незнанию, занимаясь лечением мигрени, можно нанести вред печени или желудку. Поэтому, прежде чем начать принимать травяное средство от мигрени, поставьте в известность своего лечащего врача. Он подскажет, какие из трав являются для вас безопасными.

Массаж при мигрени

Массаж используется в качестве вспомогательного средства в лечении мигрени. Еще Авиценна советовал растирать область виска с большой стороны руками или грубой тканью. Да и каждый из нас при возникновении болевых ощущений в области головы инстинктивно начинает тереть виски. Человек, страдающий мигренью, не должен доверяться неопытному массажисту: из-за нехватки навыков он может усугубить состояние его здоровья. Массаж проводится как во время относительного благополучия, так и во время приступов. В последнем случае массируют только ту часть головы, в которой больной ощущает лишь отголоски боли. Завершают массаж головы расслаблением мышц плеч и шеи. После выполнения процедуры пациенту лучше полежать минут тридцать в полутемной комнате. Профилактика мигрени заключается в проведении массажа курсами по 10 или 15 сеансов через день. Полезно во время массажа втирать бальзам «Звездочка».

Мигрень при беременности

Мигрень при беременности обычно беспокоит будущих мам в первые три месяца. Если знать причину возникновения болезненного состояния, можно излечиться, исключив повторы неблагоприятных ситуаций.

Как правило, после трех месяцев беременности мигрень проходит. Но в некоторых случаях мигрени мучают женщин в течение всего периода беременности. Лечить самостоятельно болезнь нельзя: большинство лекарственных препаратов отрицательно действуют на плод. Это касается и лекарственных трав: некоторые из них могут привести к выкидышу. Лучше всего женщинам, которых мучают мигрени, выполнять легкие упражнения, достаточно отдыхать. Лучшее средство от мигрени во время беременности – избегать стрессовых ситуаций. Можно под наблюдением опытного инструктора заняться йогой, пройти процедуры иглоукалывания или рефлексотерапии. Доказано, что эти действия не оказывают отрицательного влияния на маму и ее будущего ребенка.

Шейная мигрень

В основе шейной мигрени лежит проблема с позвоночной артерией. Если в организме нарушается обмен веществ, то в шейном отделе позвоночника откладываются соли. Позвонки деформируются и при движении задевают сосуд. Это и приводит к возникновению пульсирующей боли, шуму в ушах, головокружениям. Боль зарождается в области затылка, постепенно распространяясь на одну сторону головы. В отличие от истинной мигрени, боли бывают непродолжительными. Чаще всего они возникают ночью, когда человек не контролирует повороты головы. В лечении шейной мигрени помимо лекарств, применяется массаж или мануальная терапия. Иногда лечение не помогает и требуется оперативное вмешательство.

Абдоминальная мигрень

Абдоминальная мигрень совсем не связана с головной болью. Эта болезнь выражается приступообразными болями в животе, которые сопровождаются судорогами мышц брюшной стенки. Эта болезнь чаще всего проявляется у маленьких детей и юношей. Боль при абдоминальной гипертонии сильная, может продолжаться до нескольких суток и сопровождаться рвотой и тошнотой. Такие больные подлежат госпитализации в отделение неврологии.

Глазная мигрень

Глазная мигрень имеет еще одно название – **мерцательная скотома**. Проявляется в периодическом исчезновении изображения на некоторых участках поля зрения. Это заболевание протекает безболезненно. Лечение глазной мигрени не требует. Но при возникновении слепых пятен, молний и зигзагов в глазах все равно надо обратиться к врачу, потому что эти же симптомы имеет отслойка сетчатки. Глазная мигрень еще мало изучена, единственное, что известно – такое состояние связано не с глазами, а зрительным центром головного мозга.

Мигрень у детей

У детей мигрень проявляется так же, как и у взрослых, но лечение в корне отличается. Основная масса препаратов от мигрени не тестировалась на детях, поэтому последствия такого лечения непредсказуемы. Если ребенок школьного возраста, обязательно поставьте в известность медсестру и учителя о болезни ребенка. Частые мигрени являются поводом для длительного медикаментозного лечения.

Приступы мигрени у детей провоцируют те же причины, что и у взрослых, поэтому необходимо все силы приложить для организации правильного питания и режима дня ребенка. Детям, как и взрослым полезно заниматься спортом.

Родители должны знать о мерах по предотвращению мигрени, что позволит управлять заболеванием и обучить этому ребенка.

Туйчибек УРИНОВ,
студент 6-го курса
Ташкентского
педиатрического медицинского
института.

(Использованы материалы
Интернета).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

МУРУВВАТ УЙИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги Мурувват уйи капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёши улур инсонларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида Элликқалъа туманидаги «Бўстон бунёдкори» масъулияти чекланган жамияти томонидан таъмирланган 160 ўринли Мурувват уйи қошида 50 ўринли янги бино ҳам қурилди. Замонавий меъморчилик талаблари асосида таъмирланган масканда барча ша-



роитлар яратилди. Спорт майдончаси, кечки сайилгоҳ ободонлаштирилди.

– Айни пайтда 186 нафар биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони яшаётган ушбу масканнинг физиотерапия, стоматология, дорихона, лаборатория ва муолажа хоналари замонавий анжомлар билан жиҳозланган, – дейди **Мурувват уйи директори Бекпўлат Давлетмуротов**. – Президентимиз раҳнамолигида кўрсатилаётган бундай улкан эътибор ва ғамхўрликдан барча хурсанд.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М. Ерниязов сўзга чиқди.

Аминбой ОРТИҚБОЕВ.
Суратлар муаллифи
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ.
(ЎЗА).

«КОСОНСОЙДА»
МАРОҚЛИ ДАМ

Наманган вилояти Косонсой туманидаги 150 ўринга мўлжалланган «Косонсой» санаторийсида фахрийлар ва ногиронларнинг мароқли дам олиши ҳамда саломатлигини тиклаши учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда юрак, қон-томир, асаб тизими, суяк-мускул, нафас йўллари касалликлари шифобахш маъданли сув ва бир қанча физиотерапевтик муолажалар орқали даволанади. Фитобар ва даволаш гимнастикаси хизматлари ҳам йўлга қўйилган.

Санаторийда ҳудудий меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари йўлланмаси асосида юртимизнинг турли вилоятларидан келган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари, ногиронларга бепул хизмат кўрсатилмоқда.



Йил бошидан буён бу ерда дам олган 2000 дан зиёд нуронийнинг 451 нафари уруш ва меҳнат фронти фахрийларидир.

Сурат муаллифи
Хотам МАМАДАЛИЕВ. (ЎЗА).

Признание

НА СТРАЖЕ ЗДОРОВЬЯ СПОРТСМЕНОВ

Всем известно, что спорт – это здоровье, но у профессиональных спортсменов он связан с экстремальными эпизодами на тренировках и соревнованиях. Такие случаи происходят в результате неправильно подобранной методики подготовки или же от недостаточного знания особенностей организма человека.

Для максимального исключения травматизма в спорте при высших школах Спортивного мастерства существуют медицинские центры, непосредственно следящие за здоровьем спортсменов. Так, например, при Высшей школе спортивного мастерства по зимним и сложнотехническим видам спорта ведет свою деятельность медицинский центр. В данном медицинском учреждении врачом Татьяной Костюковой и медицинской сестрой Дилафруз Худойбердыевой ведется тщательный надзор за



здоровьем каждого пациента. Два раза в год спортсмены проходят диспансеризацию, врачом ведется журнал по оказанию помощи на тренировках и соревнованиях, идет тщательная подготовка спортсменов к важным чемпионатам.

Достижение больших успехов в спорте напрямую зависит от хорошей подготовки, правильно

подобранного и сбалансированного питания и витаминизации спортсменов. Учитывая это, опытные медицинские работники центра всегда стоят на страже здоровья спортсменов, чтобы они представляли серьезную спортивную конкуренцию спортсменам из других стран.

А. ПОПОВ.

Хурматли муштарийлар!
Агар Сиз обунга бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса,

тахририятнинг куйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.

Благодарность

Спасибо за заботу и участие

Я, **Оганесян Сергей Ашотович**, инвалид 2-ой группы хочу выразить слова благодарности коллективу Республиканского центра урологии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

В течении 20-ти лет, мне, в стенах данного медицинского учреждения были проведены оперативные вмешательства на почках, а недавно я перенес операцию на мочевом пузыре. Руки хирурга Егорова Александра Борисовича сотворили чудо. Состояние моего здоровья заметно улучшилось.

Благодаря стремительному развитию системы медицины нашей страны, сегодня мы получаем качественную медицинскую помощь, отвечающую современным стандартам. Этому я еще раз убеждаюсь на примере деятельности Республиканского центра урологии. Спасибо директору данного центра, профессору Фархаду Акилову и его сплоченному коллективу за их нелегкий труд. Здоровья им и долгих лет жизни.

Глаза – зеркало души... Как часто мы сталкиваемся с этим выражением. И каждый раз убеждаемся в его правдивости. Несколько месяцев назад мы проходили лечение в отделении микрохирургии глаза Городской клинической больницы скорой медицинской помощи. В данном медицинском учреждении нам оказали качественную медицинскую помощь, после чего мы пошли на поправку. И сегодня, в данном письме, мы хотели бы поблагодарить весь коллектив данного медицинского учреждения. Особую благодарность выражаем Зульфие Максудовой – заведующей отделения микрохирургии глаза за создание всех необходимых условий для оказания качественной медицинской помощи. Хотелось бы особо отметить профессионализм и ответственный подход к делу лечащего врача А. Маткаримова, который своими глубокими знаниями вылечил нас. От имени всех пациентов, проходивших курс лечения, благодарим настоящих специалистов своего дела.

Мухаббат ТУРСУНОВА,
Машхура ПУЛАТОВА,
Дилафруз АБДУКАРИМОВА.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 4660 нусха.
Буюртма Г-758.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

